



ЯПОНИЯГА ТАРИХИЙ ТАШРИФ: КЎП ҚИРРАЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Санаэ Такаичининг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлиб турибди.



Давлатимиз раҳбари 19 декабрь куни “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти давлат раҳбарларининг биринчи саммити доирасида Япония Императори Нарухито, Парламент раҳбарияти, ҳукумат аъзолари ва етакчи компаниялар, молия институтлари ҳамда бизнес уюшмалари раҳбарлари билан учрашув ва музокаралар ўтказди.

изчил кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Бугунги кунга қадар 3 мингдан ортиқ ўзбекистонлик мутахассислар Японияда амалиёт ўтади, 440 нафардан зиёди эса стипендия асосида олий маълумотга эга бўлди. Ўзбекистондаги 7 та университетда япон тили ўқитилмоқда.

парламентлари аъзолари глобал конференциясида Япония делегациясининг иштирок этишига алоҳида эътибор қаратилди. Парламентлар олий даражада эришилган, энг аввало, савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий, технологик ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувларни амалга оширишга ҳар



Ўзбекистон билан дўстлик лигаси ва шу билан бирга, Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик лигаси раиси Таро Асо билан учрашувда Ўзбекистон — Япония стратегик ҳамкорлик муносабатларини, жумладан, парламентларо йўналишида янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Япониянинг Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан тўғри инвестициялари жадал ўсиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Сўнгги йилларда қўшма корхоналар сони 10 баравар, амалга оширилган лойиҳаларнинг умумий қиймати эса 20 миллиард доллардан ошди.

Тадбирда Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Рёсэй Акава, “Sojitz”, “Sumitomo”, “Toyota”, “ITOCHU”, “Mitsubishi”, “Marubeni”, “Daito Trust Construction”, “NEC”, “SBI Holdings”, “Ajinomoto”, “Japan Tobacco”, “Hitachi”, “Mitsui”, “Balcom”, “NEC”, “Eurus Energy”, “Chubu Electric Power”, “Shikoku Electric”,



Президентимиз Японияга расмий ташрифини Император Нарухито билан учрашувдан бошлади.

Япония Императори давлатимиз раҳбарини самимий қутлар экан, Ўзбекистон Президентининг бу галги ташрифи Ўзбекистон — Япония дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим воқеа эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз етакчиси Император Нарухитога чуқур ҳурмат-эҳтиромини билдириб, Янги Ўзбекистондаги орта қайтмас ислохотларни изчил қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик изҳор этди.

Ўзбек ва япон халқлари географик жиҳатдан бир-бирдан олис бўлишига қарамай, уларни менталитетлар, урф-одатлар ва оилавий қадриятлар ўхшашлиги, шунингдек, илдишлар Буюк ипак йўли даврига бориб тақаладиган кўп асрлик тарихий алоқалар боғлаб тургани таъкидланди.

Икки томонлама ҳамкорлик, айниқса, таълим ва кадрлар тайёрлаш ҳамда маданий-гуманитар алмашинувлар соҳасида

Жорий ташриф доирасида Токиода Ўзбекистон маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди. Келгуси йили Япониянинг бир нечта шаҳарларида Ўзбекистон маданияти ва тарихига бағишланган археологик кўргазма ташкил этилиши режалаштирилган.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Император Нарухитога Ўзбекистонга расмий ташриф билан келишни таклиф қилди.

Япония Парламентининг Маслаҳатчилар палатаси президенти Масаказу Секигучи билан учрашувда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришда парламентлар муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Маслаҳатчилар палатаси вакиллари жорий йилнинг апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтган Парламентларо иттифокнинг 150 йиллигига бағишланган сессияда фаол иштирок этдилар.

Ешларнинг парламента оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, Ўзбекистон — Япония ешлар парламентлари аъзолари форумини ўтказиш ҳамда 2026 йилда Самарқандда бўлиб ўтадиган Ешлар

томонлама кўмаклашиши муҳимлиги таъкидланди.

Япония Парламентининг Вакиллар палатаси спикери Фукуширо Нукага билан учрашувда Ўзбекистон — Япония стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали, жумладан, парламентларо ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Икки мамлакат парламент делегациялари ўртасидаги ўзаро ташриф ва учрашувлар фаол тус олгани катта мамнуният билан қайд этилди. Парламентларда дўстлик гуруҳлари фаол иш олиб бормоқда. Май ойида Токиода наватдаги парламентларо форум муваффақиятли ўтказилди.

Парламентларнинг қўмиталари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва Япония префектуралари ассамблеялари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, шунингдек, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасида қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашиш муҳимлиги таъкидланди.

Япония Либерал-демократик партияси вице-президенти, парламентдаги



Дўстлик лигаси, айниқса, унинг раиси Таро Асо Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси юксак баҳоланди.

Парламентларо алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва қўшма ташаббусларни илгари суришда парламентлардаги дўстлик гуруҳларининг ролини кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида 2026 йилда наватдаги Парламентларо форумни Ўзбекистонда ташкил этишга келишиб олинди.

Ўзбекистон билан дўстлик лигаси 2002 йилда ташкил этилган ва ҳозирги пайтда унинг аъзолари сони 40 нафардан ошган. Улар орасида Япониянинг таниқли сисёт арбоблари, нуфузли депутат ва дипломатлари бор.

Япония иқтисодиёт, саноат ва савдо вазири Рёсэй Акава билан учрашувда Ўзбекистон — Япония стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо-инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда қўшма лойиҳаларни илгари суришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Савдо ва инвестиция алоқаларини мустаҳкамлаш, муқобил энергетика, карбонсизлантириш, ўта муҳим ҳошим каби кўплаб соҳаларда саноат кооперациясини чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш учун вазирлар даражасида савдо-иқтисодий (ROTOBO) фаол иштирокида ишбилармонлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш юзасидан келишувга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Японияга расмий ташрифининг ишбилармонлик дастурига мувофиқ, ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари, молия институтлари ва бизнес уюшмалари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

“Shimizu”, “Hankyu Travel International”, Япония металл ва энергетика соҳасида хавфсизлик ташкилоти (JOGMEC), Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC), Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Япония экспорт ва инвестицияларни суғурта-лаш компанияси (NEXI), Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO), Япония МДХ мамлакатлари билан савдо бўйича ассоциацияси (ROTOBO), “Norinchukin” ва “SBI Shinsai” банклари, Япония сайёҳлик агентликлари ассоциацияси каби йирик корпорациялар ва молия институтларининг топ-менеджерлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари учрашув иштирокчиларига мурожаат қилар экан, япон ишбилармонларининг бундай нуфузли таркиби томонларнинг бир-бирига бўлган юксак ишончи ва иқтисодий шерикликни янада ривожлантиришга доимий қизиқишидан далолат эканини билдирди.

➔ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Маъбулот хизмати суратлари.

ЯПОНИЯГА ТАРИХИЙ ТАШРИФ: КЎП ҚИРРАЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Бошланиш 1-бетда

Таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги мазмун касб этди.

Япония компаниялари илгари асосан пудрат лойиҳаларида иштирок этган бўлса, бугунги кунда мамлакат иқтисодиётига фаол инвестиция киритиб, қўшма корхоналар яратмоқда, бошқарув, технологиялар трансфери ва миллий кадрларни тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган мазкур ўзгаришлар натижасида Япония Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий ва технологик шерикларидан бирига айланди.

Савдо-иқтисодий кўрсаткичларда ҳам ижобий сурбат кузатишмоқда: охириги саккиз йилда товар айирбошлаш 2 баравар, Ўзбекистонда фаолият юритаётган япон компанияларининг сони эса 10 қарра ошди.

Энергетика, соғлиқни сақлаш, геология, ахборот технологиялари, инфратузилма ва бошқа устувор соҳаларда мустақкам кооперация ўрнатилди.

Учрашувда Президентимиз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларига тўхталиб ўтди.

Қайд этилганидек, сўнгги 8 йил ичида Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 2 бараварга ошди. 2030 йилга қадар мамлакатни ўрта даражадан юқори даромадли давлатлар қаторига киритиш вазифаси қўйилган.

Давлатимиз раҳбари Япония ишбилармонларини саноатлашувни тезлаштириш, илгор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш жараёнида фаол иштирок этишга таклиф қилди.

Шу маънода, Япония ишбилармон доиралари билан ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Энергетик барқарорлиқни таъминлаш ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш, хусусан, қайта тикланган энергия манбалари ва захиралаш тизимларини ривожлантириш, иқтисодиётда “углерод изи”ни камайтириш шулар жумласидан.

Кўшилган қийматнинг тўлиқ занжирини шакллантирган ҳолда ўта муҳим минералларни чуқур қайта ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, машинасозлик ва саноат ускуналари ривожлантириш, замонавий юқори технологияли саноатлашган иқтисодиётни шакллантириш истиқболли йўналишлар қаторида қайд этилди.

Ахборот технологияларини ривожлантириш, жумладан, сунъий интеллект ва рақамлаштириш дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Яна бир муҳим йўналиш — замонавий махсус иқтисодий зоналарни яратиб, ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш ва рақамли бошқарув тизимларини жорий этиш орқали уларни юқори технологияли ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш ҳамда саноат кооперацияси марказларига айлантириш.

Мисол учун, ЈСА кўмагида Япония модели ва стандартлари асосида махсус иқтисодий зона барпо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида Ўзбекистон Японияни нафақат инвестор, балки келажак саноатини барпо этишда ўзининг стратегик ҳамкори сифатида билишини таъкидлади.

Ўз навбатида, Япония ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтиришга қатъий интилишини билдирди ҳамда устувор йўналишлардаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш борасидаги режаларини баён этди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва ваиз Рёсей Акавава иштирокида икки томонлама битимларни алмашиш маросими бўлди.

Япония халқаро ҳамкорлик банки (ЈВІС) бошқарувчиси Нобумицу Хаёси билан учрашувда мазкур етакчи молиявий институт билан стратегик шерикликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда банк билан ҳамкорликдаги ижобий сурбат мамнуният билан қайд этилди. Лойиҳаларнинг умумий портфели 5 миллиард доллардан ошган ҳамда нефть-кимё, энергетика, телекоммуникациялар, инфратузилма, энгил саноат ва бошқа соҳаларни қамраб олган.

Энергетика, транспорт, АТ инфратузилмасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш ва бошқа устувор йўналишларда умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд янги лойиҳаларни сифатли тайёрлаш ҳамда бошланганларнинг натижадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ижтимоий соҳада давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга ҳамда хусусий секторни ривожлантиришга инвестицияларни кенгайтириш муҳим экани таъкидланди.

Ўз навбатида, Нобумицу Хаёси шериклик натижаларини юқори баҳолади ва Япония Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Токиога расмий ташрифининг ишбилармонлик дастури доирасида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА) президенти Акихико Танака билан музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашувда Япониянинг ушбу етакчи молия институти билан кенг қўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни илгари суришининг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда стратегик шерикликда юксак даражада эришилгани мамнуният билан қайд этилди. Лойиҳалар доирасида

маблағларни ўзлаштириш суръати сезиларли даражада ўсди.

Лойиҳалар портфели 8 миллиард доллардан ошди. Соғлиқни сақлаш, энергетика, транспорт, таълим, саноат ва бошқа устувор соҳаларда яна 3 миллиард доллардан ортиқ қийматга эга ташаббуслар ишлаб чиқилмоқда.

Ташриф доирасида иқтисодий зоналарни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, тиббий асбоб-ускуналар етказиб бериш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бандлигини таъминлаш ва камбағалликка қарши курашиш, илгор муҳандислик кадрларини тайёрлаш ҳамда “Бир қишлоқ — битта маҳсулот” лойиҳаси қўламини оширишда иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Япония томони қўшма Инсон ресурсларини ривожлантириш маркази ва Ёшлар инновация маркази фаолиятини кўп йиллардан буён қўллаб-қувватлаб келётгани юқори баҳоланди.

Агентликнинг энергетика секторини ривожлантириш, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш ва камбағалликка қарши курашиш, илгор муҳандислик кадрларини тайёрлаш ҳамда “Бир қишлоқ — битта маҳсулот” лойиҳаси қўламини оширишда иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар Япония инвесторлари учун махсус иқтисодий зона барпо этиш лойиҳасини тез фурсатларда ишга туширишга тайёр эканини билдирди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари ЈСА билан 2030 йилга қадар Янги ҳамкорлик дастури доирасидаги лойиҳаларни ўз вақтида тайёрлаш ва уларнинг натижалари барқарор бўлишини таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари “Sojitz Corporation” раҳбарлари Масабэи Фудзимото ва Коусеу Уэмура билан учрашувда Япониянинг етакчи компанияси билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

Электр энергиясига бўлган талаб ортиб бораётганини ҳисобга олиб, Сирдарё

вилоятида бут-газ электр станциясини барпо этиш лойиҳасини жадаллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Кўп тармоқли шифохона, Тошкентнинг янги халқаро аэропорти, самолёт электр станциясини қуриш ва бошқа устувор лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тиббиёт клиникалари ҳамда мактабгача ва мактаб таълими муассасаларини модернизация қилиш, трансгегаравий “ашил” энергия йўлагини барпо этиш, мамлакатимиз ҳудудларида газ компрессор станцияларини янгилаш, шунингдек, япон инвесторлари учун махсус иқтисодий зона яратилишига корпорациянинг иштироки эътибор бўйича ташаббуслар қўллаб-қувватланди.

Япониянинг “ЈОГМЕС” ва “ІТОСНУ” ташкилотлари раҳбарлари Ичиро Такахава ва Дзун Иномата билан учрашувда ҳамкорликни янада кенгайтириш ва Япониянинг энг илгор технологияларини қўлаган ҳолда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

“ЈОГМЕС” “ІТОСНУ Corporation” билан биргаликда Навоий ва Қашқадарё вилоятларидаги уран конларини ўзлаштиришда иштирок этаётгани юқори баҳоланди. Компанияларнинг мамлакатимиз ҳудудларидаги истиқболли конлардан қимматбаҳо металлари қазиб олиш режалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва “ІТОСНУ” корпорацияси машинасозлик, геология ва инфратузилма соҳаларида кўп йиллик ҳамкорлик тажрибасига эга. Японияга ўта муҳим минералларни экспорт қилиш бўйича узоқ муддатли келишувларга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Сувни тозалаш, автомобилсозлик, ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимини модернизация қилиш ҳамда ижтимоий соҳада давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш каби ҳамкорликнинг янги йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Токио шаҳридаги

ишбилармонлик тадбирлари доирасида “Sumitomo Corporation” компанияси президенти Шинго Уэнони қабул қилди.

Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ҳамда энергетика ва саноат соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Самарқанд вилоятида иккита қуёш электр станцияси ва энергия сақлаш тизимлари қурилиши бошлангани мамнуният билан қайд этилди. Шундай лойиҳани шомол электр станциялари ва сақлаш қувватлари асосида Қорақалпоғистон Республикасида ҳам тез фурсатларда амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Компаниянинг ўта юқори кучли ишлаб чиқариш ва тез тиббий ёрдам машиналари паркинги модернизация қилишда иштирок этиш режалари келишилди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари корпорация билан 2030 йилгача мўлжалланган ҳамкорлик дастурини қабул қилишни таклиф этди.

Токиога ташрифнинг биринчи куни якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Акасака саройида Япония Бош вазири номидан Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари шарафига ўтказилган расмий қабул маросимиде иштирок этди.

Ўзбекистон етакчисини Япония Бош вазири Санаэ Такачи кутиб олди.

Тадбирда Қозғонистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳам қатнашди.

Давлатимиз раҳбарининг Япония ҳукумати раҳбари билан музокараларини ҳамда “Марказий Осиё + Япония” мулоқотининг биринчи саммити доирасидаги асосий тадбирлари 20 декабрь куни бўлиб ўтди.

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР — МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК ТИМСОЛИ

Муносабат

Ўзбекона бағрикенглик ва инсонпарварлик маданияти нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам ўз салоҳиятига эга бўлиб бормоқда. Миллатлараро ҳамжиҳатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини мустақкамлаш, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, барчага тенг ҳуқуқ ва имконият яратиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умминсоний қадриятларга ҳурмат, ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда Ўзбекистон тутган йўл энг барқарор ва одилона сиёсат сифатида баҳоланапти. Юртимизда яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва тинчлик йўлидаги ислохотлар Марказий Осиё минтақасида ҳамкорлик муҳитини мустақкамлашга улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Давлатимиз раҳбарининг бундан бир неча йил аввал БМТ минбаридан туриб, Марказий Осиёни тинчлик, яхши қўшничилик ва шериклик мақомига айлантиришга қатъий қарор қилинганига оид ташаббуслар амалда ўз тасдиғини алақачон топди. Президентимизнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласида таъкидланган фикр-мулоҳазалари Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги ўз позициясини янада мустақкам эгаллаш учун замин яратди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган еттинчи маслаҳат учрашуви минтақавий ҳамкорликнинг мутолқау янги даври бошланиши учун пойдевор бўлишига шубҳа йўқ. Унда илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар минтақамизнинг умумий тараққиётга хизмат қила бошлади.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, АҚШда “С5 + 1” форматда бўлиб ўтган саммитнинг мазмун-моҳияти ҳам мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини оширишга йўналтирилди. Таъкидлаш лозимки, мазкур анжуман Марказий Осиё ва АҚШ ўртасидаги стратегик мулоқотнинг янги босқичини бошлаб бериши баробарида Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсатини бутун оламга намойиш қилди. Умуман, минтақавий ва глобал алоқаларнинг янги имкониятлари яратилишида бундай анжуманларнинг аҳамияти жуда катта.

Ортимизда 130 дан ортиқ миллат ва эл вакиллари яшамоқда. Мавжуд этник диаспоралар тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, миллий анъаналари ва урф-одатларини сақлаш, ҳар томонлама ривожлантириш тамойиллари янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам мустақкамлаб қўйилган. Миллатлараро тотувлиқни ривожлантириш давлат сиёсатида муҳим йўналиш экани ўзбекона бағрикенглик ва яхши қўшничилик анъаналари тарғиботи

учун кенг йўл очди. Дунёнинг бошқа минтақаларида содир бўлаётган нохуш ҳолатлар билан боғлиқ мураккаб вазиятда тинчликни сақлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда бундай сиёсат муҳим омилга айланган, албатта.



Шу кунларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи ҳам халқаро миқёсда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш йўлида тарихий ва ишончли қадам бўлди. Ташрифдан қўзғалган мақсад нихоятда қўламли, Тошкент ва Токио ўртасидаги муносабатлар нафақат икки томонлама, балки минтақавий ва глобал аҳамиятга эгадир. Токио шаҳрида Япония императори Нарухито ва Бош ваиз Санаэ Такачи ҳамда етакчи университет ва

ийрик компаниялар раҳбарлари билан учрашувлардан қўзғалган мақсад Ўзбекистоннинг кунчиқар мамлакат билан стратегик алоқаларини мустақкамлашдан иборат.

“Марказий Осиё + Япония” мулоқоти мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган муҳим платформа ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик нафақат иқтисодий, балки маданий соҳаларда ҳам давом этаётгани ўзаро дўстлик ришталарини янги ва салмоқли босқичга олиб чиқди. Жумладан, бу мамлакат билан маданият ва санъатнинг барча соҳалари, музейшунослик, сайёҳлик ва бошқа йўналишлардаги алоқаларимиз муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Жумладан, 2019 йил ноябрь ойида Япониянинг Токио, Майдзуру ва Такасаки шаҳарларида ўзбек маданияти ва санъатини тарғиб қилиш мақсадида маданий тадбирлар, ҳуқумат вакиллари билан маданий соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан учрашувлар ўтказилган. Икки давлат маданият муассасалари ўртасида ҳам фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Чунки, Ришшо университети билан Термиз архео-

логия музейи ўртасида битим имзоланган, бунга асосан, археология ва музей соҳасида ҳамкорлик қилинмоқда. Зеро, давлатларимиз ўртасидаги маданий йўналишдаги алоқалар соҳа вакиллари билим доирасини ошириб, турли маданий тадбирлар географиясини кенгайтиради. Ўзбекистонда ўтказилаётган халқаро фестивалларда Япония санъаткорларининг доимий иштирок этаётгани қувонarli воқеа, албатта. Хусусан, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида “Нагаута-кай” япон



Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири

шамисен мусиқа гуруҳи фаол қатнашиб, биринчи ўринни қўлга киритгани фикримиз далилидир. Бундан ташқари, 2018 йилда Шаҳрибозда ўтказилган халқаро мақом санъати анжуманида япониялик ижодкор Камузакки Машуу учинчи ўринни эгаллаб, мухлислар олқишига сазовор бўлгани алоҳида эътиборга молик.

Жорий йил бошланишида CSPC-Јарап ташкилоти томонидан ташкил этилган Токио халқаро санъат фестивали ҳамда Халқаро коллаборация концертида Маданият вазириликка қарашли РЛнёр номидаги республика иштисолашган мусиқа мактаби ўқувчилари иштирок этгани икки ҳамкор мамлакатнинг маданий алоқалар қўламини нақадар кенгайиб бораётганига яна бир мисолдир.

Ўзбек-япон халқларининг маданий ва савдо ришталари узоқ ўтмишга бориб тақалиши, Буюк ипак йўли бўйлаб бу икки миллатнинг ўзаро манфаатли алоқалари мустақкам дўстлик ва ҳамкорлик даражасида шаклланиб бораётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Президентимизнинг Японияга ташрифи арафасида бу дийрда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилгани ҳам давлат раҳбарларининг ўзаро ҳурмат ва ишончли ҳамкорлик йўлидаги саъй-ҳаракатлари амалий натижа-сидир. Қалбага яқин бундай санъат байрами нафақат маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеа, балки Осиё минтақасида ўзинга хос ҳурмат ва аҳамкорлик лойиқ тадбир, ҳамкорлар ўртасидаги илиқ муносабатнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Умуман олганда, Ўзбекистон ва Япония халқларини қадимий тарих, бой маданият, анъаналарга садоқат ва келажакка ишонч билан иштирок этуради. Икки тинчликпарвар мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустақкамланиб, сенисий, иқтисодий ва, айниқса, маданий соҳаларда илчил ривожланаётгани халқларимиз бахти ва саодатидан дарак беради.

Халқлар ўртасидаги маданий алоқалар тинч, осойишта ва маърифатли давлатларга ярашади. Ўзбекистон ва Япония худди шундай мамлакатлар сирасига қиради. Дунёда тинчлик ва эзулиқни сақлаш ўзбек ва япон халқларининг азалий орузидир! Шуниси аёнки, барқарор тинчлик, осойишталик ҳукм сурган ўлкаларда санъат ва маданият гуллаб-яшнайд!

Хориждаги ватандош

“Марказий Осиё + Япония” мулоқотининг биринчи саммитида иштирок этиш мақсадида Токио шаҳрига келган давлатимиз раҳбарини биз, Японияда таҳсил олаётган, шунингдек, турли компанияларда меҳнат қилаётган ўзбекистонликлар катта хурсандлик ва кўтаринки руҳда кутиб олдик.

АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ВА САМИМИЯТДАН КУЧ ОЛДИК

Миржалол МЕНГБОВЕВ, Япония — Ўзбекистон савдо уйи директори ўринбосари, Нағоя — Ўзбекистон дўстлик ҳамжамияти директорлар кенгаши аъзоси



Табиийки, ташриф доирасида ўзбек-япон ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор учрашувлар режалаштирилган. Шунингдек, бу ташриф хориждаги ўзбекистонликлар билан алоқаларни мустақкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.


Давлатимиз раҳбари ҳар бир ватандошимизга алоҳида эътибор қаратиб, самими суҳбатлашди, ҳол-аҳвол сўради. Шу маънода, учрашув хорижда яшайётган ва фаолият юритаётган юрдошларимизга юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир яққол ифодаси бўлди.

Биз, хориждаги ўзбекистонликлар бундай эътибордан чекисиз руҳландик. Бу эса бор салоҳиятимизни ишга солиб, Ўзбекистон номини улуглашимизга хизмат қилади. Чунки ўзга мамлакатда эътиборга тушган, ҳурмат қозонган киши Ватанини, халқи ва қадриятларини намойён этади.

Ўзим мисолимда айтсам, ҳар бир ютуғимда, аввало, Ватанимизни кўраман. Йўналишим Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотларини Япония бозорига олиб кириш, шунингдек, япон компаниялари-

нинг мамлакатимизга инвестиция кири-тиши жараёнида консалтинг хизматлари кўрсатишдан иборат. Давлатларимиз ўртасидаги самими дўстлик, кўп томон-лама, мустақкам ҳамкорлик туйғали кунчиқар юрда эмин-эркин фаолият юритаймиз.

Президентимизнинг Японияга 2019 йилдаги расмий ташрифидан сўнг икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тубдан ўзгарди, ҳамкорлик қўлами кенгайди ва сифати сезиларли даражада ошди. Биз айнан шу жараёнинг фаол иштирокчисига айлана бораймиз. Яқин келажакда Ўзбекистон маҳсулотларининг Япония бозоридеги улушини янада ошириш, шунингдек, кунчиқар давлатдан мамлакатимизга йўналтирилган инвестиция ҳамини кенгайтириш усти-да тизимли ишлар қилаймиз. Хусусан, ҳозир Урганч шаҳрида 30 миллион долларлик “Јарап Plaza” ҳамда Фаргона вилоятида 60 миллион долларлик “Sakura Garden” инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Келгусида ана шундай қўшма лойиҳалар сонини янада кўпай-тиришни мақсад қилиб қўйганмиз. Зеро, қаерда бўлмайлик, қонун билан ҳимоя-ланганимиз, давлатимизнинг алоҳида эъ-тибори ва ғамхўрлиги остида эканимиз орузларимиз рўеби сари дадил боришга ундайди.



ИСЛОМОБОДДА “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЙЎЛИ” КИТОБИ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистоннинг Покистондаги элчихонаси томонидан Минтақавий тадқиқотлар институти (Institute of Regional Studies, IRS) билан ҳамкорликда атоқли сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов қаламига мансуб “Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли” китобининг инглиз тилидаги нашри тақдимоти ўтказилди.



Тадбирда Покистон Президентининг матбуот котиби Муртазо Солангий, турли вазирлик ва идора раҳбарлари, парламент палаталари аъзолари, Исламободдаги хорижий элчилик, дипломатик корпус вакиллари, ОАВ ходимлари, шу давлатда ишловчи ватандошлар иштирок этди.

Ўзбекистондан Олий Мажлис Сенати аъзоси, “Ishonch” ва “Ishonch-Doverie” газеталари бош муҳаррири Хусан Эрматов, “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Элдор Туляков ва бошқалар қатнашди.

Тадбир аввалида мамлакатимизда кечяётган кенг қўламли ислохотларга бағишланган видеолаваҳа намойиш этилди.

Ўзбекистон элчиси Алишер Тўхтаев қисқа вақт ичида Исламободда Ўзбекистон ҳақида учта китоб — Муҳаммад Аббос Хоннинг “Uzbekistan: The Third Renaissance — The Concept of the Future”, Меҳмуд ул-Ҳасан Хоннинг “Shavkat Mirziyoyev: Great Leader of Reforms and Regional Integration” ва Қудратилла Рафиқовнинг “Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли” асарларининг кенг жамоатчиликка тақдим этилгани Покистон илмий-академик доира вакиллари орасида Ўзбекистонга қизиқишнинг ортаётганидан далолат беришини таъкидлади.

2 миллиард АҚШ долларига етказиш буйича қўшма чоралар ишлаб чиқарилаётгани алоҳида эътироф этилди.

Шундан сўнг сенатор Хусан Эрматов сўзга чиқиб, ҳозирги кундаги ислохотлар тизимли ва қамровли тусга эга эканини, улар мамлакатнинг муқаддас янги қиёфасини шакллантираётганини таъкидлади. Тадбир иштирокчиларига тақдимоти ўтказилаётган китобнинг мазмуни ҳақида батафсил маълумот берилди. Хусусан, сиёсий есселарнинг ҳар бири тарихий аҳамият касб этувчи муҳим лойиҳалар, воқеликларга асослангани, бунда мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати,

ришталар жуда кўп. Тилимизда ҳам ўхшаш сўзлар кўплаб учрайди. Биз бир-биримизни осонгина тушуниши мумкин. Фақат бир-биримизни шунчаки жуда диққат билан тинглаши керак, холос. Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун эса имкониятларимиз чексиз. Айниқса, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари, таълим, соғлиқни сақлаш, тадқиқот, мудофаа, ҳафсизлик соҳаларида. Бир неча йил олдин бизнинг икки томонлама савдо ҳажимимиз атиги бир неча юз миллион АҚШ долларини ташкил қилар эди. Энди эса биз 500 миллион АҚШ

долларига яқинлашдик ва биласизми, бу рақамлар ўсишда давом этмоқда. Яқинда Ўзбекистонга ташриф буюрдим ва Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаларига бевосита гувоҳ бўлдим. Мен Ўзбекистоннинг ўзгариб бораётган қиёфасини таълимда ҳам, соғлиқни сақлашда ҳам, инфратузилма ва бошқарув тизимида ҳам кўрдим”, деди у.

IRS президенти Жовҳар Салим китобда Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда кечяётган ислохотлар, модернизация жараёнлари, очик ва прагматик ташқи сиёсатнинг моҳияти очиб берилганини таъкидлади.

“Бу китоб янги Ўзбекистоннинг шарафли тараққиёт йўлига бағишланган. Ўзбекистон қандай мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтгани бошқа мамлакатлар, шу жумладан, Покистон учун ҳам намунадир. Қудратилла Рафиқовнинг “Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли” китоби Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислохотлари янги даврга мосдир ва мазкур китоб республика тараққиёт йўлини ўзида таҳлили акс эттиради”, деди IRS раҳбари.

“Бу китоб янги Ўзбекистоннинг шарафли тараққиёт йўлига бағишланган. Ўзбекистон қандай мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтгани бошқа мамлакатлар, шу жумладан, Покистон учун ҳам намунадир. Қудратилла Рафиқовнинг “Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли” китоби Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислохотлари янги даврга мосдир ва мазкур китоб республика тараққиёт йўлини ўзида таҳлили акс эттиради”, деди IRS раҳбари.

Шунингдек, Қудратилла Рафиқовнинг ушбу китобида юртимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида орта қайтмас ислохотлар жараёни, макроиқтисодий ислохотлар, молиявий либераллаштириш, камбағалликни қисқартириш, ташқи сиёсат, маданий дипломатия ва минтақавий интеграция каби масалалар батафсил ёритилгани қайд этилди.

“Ўзбекистон етакчисининг “Ислохотлар статистика учун эмас, инсон қадрни, шаъни ва келажаги учун” тамойилга таянган ҳолда юртимизда “Янги Ўзбекистон” ғоясини ҳаётга татбиқ этиш амалий стратегияга айлангани, рақамли иқтисодиёт, “яшил” энергетика, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш борасидаги ютуқлар китобда чуқур таҳлил этилган”, деди дипломатик миссия раҳбари А.Тўхтаев.

жумладан, минтақавий сиёсат бора-бора қўшма мудоғатда эришилган натижалар таҳлилига эътибор қаратилди.

“Тараққиёт стратегияси” маркази директори Элдор Туляков эса сўнгги саккиз йилда Ўзбекистонда давлат ва жамият муносабатларини тубдан қайта шакллантиришга қаратилган кенг қамровли сиёсий ислохотлар амалга оширилганини қайд этди. У “Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли” китоби айнан шу жараёнларни тизимли таҳлил қилиб, мамлакат тараққиётининг янги модели шаклланаётганини очиб берганини ургулди.

Покистон Президентининг матбуот котиби Муртазо Солангий, ўз навбатида, Ўзбекистондаги ислохотлар жараёнини, жамият ҳаётини янгилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий йўналиштирилган сиёсатни янада мустаҳкамлашни “тараққиётнинг Ўзбекистон модели”, дея атади. “Ўзбекистон — ажойиб мамлакат. Ўзбекистонга саяҳат қилиш Лаҳор ва Мўлтонга боришга ўхшайди. Исламобод ва Ташкент орасидаги ҳаво масофаси атиги 1100 километр. Бундан ташқари, мамлакатларимизни, халқларимизни ўзаро боғлаб турган

долларига яқинлашдик ва биласизми, бу рақамлар ўсишда давом этмоқда. Яқинда Ўзбекистонга ташриф буюрдим ва Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаларига бевосита гувоҳ бўлдим. Мен Ўзбекистоннинг ўзгариб бораётган қиёфасини таълимда ҳам, соғлиқни сақлашда ҳам, инфратузилма ва бошқарув тизимида ҳам кўрдим”, деди у.

IRS президенти Жовҳар Салим китобда Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда кечяётган ислохотлар, модернизация жараёнлари, очик ва прагматик ташқи сиёсатнинг моҳияти очиб берилганини таъкидлади.

“Бу китоб янги Ўзбекистоннинг шарафли тараққиёт йўлига бағишланган. Ўзбекистон қандай мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтгани бошқа мамлакатлар, шу жумладан, Покистон учун ҳам намунадир. Қудратилла Рафиқовнинг “Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли” китоби Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислохотлари янги даврга мосдир ва мазкур китоб республика тараққиёт йўлини ўзида таҳлили акс эттиради”, деди IRS раҳбари.

Анжуман якунида барча иштирокчиларга мазкур китоб совға қилинди. Элчихона томонидан ташкил этилган миллий санъат намуналари кўргазмаси ва тақдим этилган ўзбек миллий таомлари Покистон вакиллари томонидан катта таассурот билан эътироф этилди.

“Дунё” АА
Исламобод



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК ТАДБИРКОРЛАРГА БЕРИЛГАН ИМКОНИАТЛАР ЎЗИНИ ОҚЛАЯПТИ

Оролбўйи ҳудудига берилаётган алоҳида эътибор туфайли Қорақалпоғистон тубдан ўзгарди. Кенг қўламли бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қорақалпоғистонликларга алоҳида имтиёزلар берилди. Бу имкониятдан самарали фойдаланаётган тадбиркорлар ҳудудларда ишлаб чиқаришни ривожлантирмоқда.

Асли хоразмлик Ҳамидбек Қосимов дастлаб акасининг корхонасида иш бошқарувчи бўлиб ишлаган эди. 2017 йилда “Осиё ёдуси” масъулияти чекланган жамиятини очиб, тадбиркорлик билан шуғулланишни бошлади.

— 2019 йилда инвестиция киритиш шарти билан Нукус тумани “Саманбой” ОФЙдаги бўш турган Қаттиғор ММТП устaxonасини жамият балансига олдим, — дейди Ҳамидбек Қосимов. — Сўнг корхонамизга Тошкент шаҳридан катта тажрибага эга мутахассисларни олиб келдик. Улар соҳага қизиқадиган ёшларни ўқитди, иш ўргатди. Ҳозир хориж технологияси асосида ўн бир турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаряпмиз. Уларни Нукус ва Оқмангит деҳқон бозорларида сотаяпмиз.

Корхона ҳудудда яшайдиган 9 йигит-қизни ишли қилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Негаки, Қорақалпоғистонда тадбиркорлик қилиш учун берилган алоҳида имтиёزلар соҳада жуда катта ижобий ўзгаришларни бошлаб берди.

Қорақалпоғистон кўшили кунарларнинг кўплиги сабаб тоза энергия ишлаб чиқариш учун мос ҳудуд. Табиғатнинг мана шу инъомидан самарали фойдаланиш бошланди. Хусусан, “Нукус Электроаппарат” заводида йилга 150 мегаватт қувватга эга қуёш панеллари ишлаб чиқариляпти. Айни пайтда корхонада 30 дан ортиқ мутахассис ишламоқда. Яқин келажақда уларнинг сони 150 нафарга етади. Эътиборлиси, ушбу корхона Ўзбекистонда биринчи бўлиб қуёш панелларини ишлаб чиқаришни бошлаган.

2024 йил 19 август қорақалпоғистонлик тадбиркорлар учун тарихий сана бўлди. Ушунда Президентимиз раислигида тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказилган эди. Қорақалпоғистонга бўлган алоҳида эътибор, тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ислохотлар бугун амалда самара бера бошлади. Давлатимиз раҳбарининг ишончини ҳис қилган маҳаллий тадбиркорлар ўз ғоясини бемалол амалга оширишга, янги маҳсулотлар, брендлар яратишга киришган.

Шу орқали Қорақалпоғистонда янги йўналишлар пайдо бўляпти. Масалан, илк бор Нукус шаҳрида замонавий стандартларга жавоб берадиган “Monte” музқаймоқ ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади. “Yuventa Nukus” масъулияти чекланган



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

фуқаронинг даромади ошди. Қолаверса, 3,5 мингга яқин оилага йилга 60-70 миллион сўмлик даромад келтирадиган қиймати 82,7 миллиард сўмлик “Лойиҳалар пакети” тақдим этилган.

Шу ўринда тадбиркорлар сўнгги йилларда амалга ошираётган йирик лойиҳалар ҳақида гапирмасак бўлмайди. Нукус шаҳрида базальт минералдан иссиқлик сақловчи материаллар ишлаб чиқарадиган қиймати 692 миллиард сўмлик, пахта ва сунғий толадан ип-қалава ишлаб чиқарадиган қиймати 585 миллиард сўмлик корхоналар ишга туширилди. Қораўзақдаги “Қорақалпоқ цемент” корхонасида қувватни кенгайтириш чоралари кўрилди. Бунинг учун 645 миллиард сўмлик иш бажарилди. Натижада корхона йилга 1 миллион тонна сифатли цемент тайёрлаш имкониятига эга бўлди.

Кўнгротда натрий сульфат ишлаб чиқариш корхонаси, Қораўзақда олтин қазиб олиш, Хўжайлида нефтни қайта ишлаш, Тўртқўлда полиэтилен түр ишлаб чиқариш корхоналари ишга тушди. Қўнгротда қиймати 3 миллион долларлик Халқаро логистика маркази очилган. Натижада бугунги кунда минглаб киши иш билан таъминланди.



жамияти ушбу лойиҳа асосида 40 га яқин иш ўрни яратиб, бозоримизни сифатли сут маҳсулотлари билан таъминляпти.

Нукус шаҳрида хизмат кўрсатиш соҳасини янги босқичга олиб чиқадиган яна бир йирик лойиҳа “Karakalpak Palace Premium” меҳмонхонасидир. Бу Қорақалпоғистондаги илк беш юлдузли меҳмонхона ҳисобланади. У нафақат юртдошларимиз, балки хорижий сайёҳлар ва инвесторлар учун ҳам юқори даражадаги сервисни тақдим этмоқда.

Йирик сервис лойиҳаларидан яна бири “Экобозор” мажмуаси бўлиб, у 3 гектар майдонда барпо этилди. Ушбу бозорда 148 та савдо ўрни ташкил этилиши белгиланган бўлиб, 130 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Унда 225 киши донмиш ва мавсумий иш билан таъминланмоқда. Халқимиз “Эл фаровонлигини билиш учун бозорини бориб кўр”, дейди. Шу маънода, “Экобозор” Қорақалпоғистон ободлиги, фаровонлиги тисмолига айланди, десак муволажа бўлмайди. Бунинг марта бўлса ҳам бозор расталари оралаб ўтган одам яхши ҳис этади.

“Long Water” МЧЖ хорижда 1,5 миллион доллар миқдорига сармоя киритиш ҳисобидан “SHILPIQ” брендига асос солди. Натижада 50 га яқин иш ўрни яратилди. Ушбу лойиҳа асосида бозорга қадоқланган сифатли сув етказиб берилляпти.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, бандлигини таъминлаш мақсадида 2023-2025 йилларда жами 134 минг фуқарога 2 триллион сўм имтиёзли кредит ажратилган. Бунинг ҳисобига маҳалаларда 11 мингдан ортиқ микролоиҳа ишга туширилди. Натижада 23 мингга яқин

Тадбиркорлар ижтимоий соҳа объектлари қурилишига сармоя киритиши натижасида ўтган 3 йил ичида 98 та хусусий тиббиёт клиникаси ва 5 та хусусий мактаб ташкил этилди. Нукус шаҳрида “Бобур мед” кўп тармоқли хусусий клиникасида Қорақалпоғистонда илк бор туғуруқ бўлими очилди.



Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ушбу эзгу ишлар давоми сифатида Президентимиз 2025 йил 3 ноябрда “Қорақалпоғистон Республикасида тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан Ёшлар ижтимоий-иқтисодий марказини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни қабул қилди. Ушбу қарор асосида Хўжайли туманидаги 152 гектар ерда Ёшлар ижтимоий-иқтисодий маркази қурилмоқда. Марказ учун 2026-2030

йилларда 400 миллион доллар хорижий инвестиция киритилиши кутиляпти. Шунингдек, қарор асосида марказ инфратузилмаси учун республика бюджетни маблағлари ҳисобидан 10 йил муддатта 1 триллион сўм миқдорига бюджет судаси ажратилмоқда.

Нукус шаҳрида хорижлик инвесторлар қиймати 40 миллион доллар бўлган, 250 ўринли болалар тиббиёт кластери, Кегейлида LDSP маҳсулотлар ишлаб чиқариш, Тахтақўпирда кўп тармоқли чорвачилик, сут, жун ва ўн маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Шунингдек, Кегейли ва Нукус туманларида паррандачилик комплекслари ташкил этилмоқда.

Яна бир яхши аниқлик. Нукус шаҳрида хорижий корхона томонидан қиймати 8 миллион долларлик чарм маҳсулотлар ва пойабзал ишлаб чиқариш лойиҳаси йўлга қўйилди. Эътиборли жиҳати, бугун бу корхона “Fetgat” бренди автомобилларига чарм маҳсулотлар етказиб бермоқда. Бу маҳсулотларимиз жаҳон бозорига муносиб ўринга эга бўлаётганини кўрсатади.

Албатта, буларнинг барчаси тадбиркорларга эътибор натижасидир. Зеро, сўнгги йилларда хорижий сармоядорларни жалб этиш бўйича яратилган қўлайликлар натижасида Қорақалпоғистоннинг ташқи савдо айланмаси ўтган 3 йилда 1 миллиард 602 миллион долларга етди.

Келгуси режалар эса бундан ҳам юксак. Хусусан, Қорақалпоғистонни 2035 йилгача ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш учун хориждан 150-200 миллион доллар жалб қилиш назарда тутилган. Бундан ташқари, чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 2025-2026 йилларда чет давлатлардан 1200 бош йирик шошли мол, Мўғулистондан 10 минг бош майда шошли мол олиб келинади. Қолаверса, тоғ ва дарё бўйи ҳудудларда янги сайёҳлик йўналишлари очилади. Жумладан, Хўжайлидаги Миздакхон мажмуаси, Қораўзақ ва Амударёдаги Шайх Жалил бобо зиёратгоҳлари, “Амударё-Қоратов” дам олиш мажмуалари зарур инфратузилма билан таъминланади. Бунинг учун 25 миллиард сўм ажратиш белгиланган.

Президентимиз “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш — бу бизнинг стратегик йўлимиз! Тадбиркорлик қанчалик тез ривожланса, мамлакатимиз шунчалик қудратли бўлади, халқимиз шунчалик фаровон яшайди”, деган эди. Бугун бунинг ҳаётий ҳақиқат эканини Қорақалпоғистонда бўй кўрсатаётган ўзгаришлар мисолида кўриб туришимиз.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖТИМОЙ ЙўНАЛТИРИЛГАНИ — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ

Янги Ўзбекистондаги бугунги янгиликлар, ўзгариш ва эвриликлар ҳудудлар раванқи, аҳоли фаровонлиги ҳамда юртдошларимизнинг даромади ортиб бораётганида, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни, соҳалар изчил ривожланишига ўз ифодасини топмоқда. Иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ўсиш ҳамда юксалишни ҳар бир шаҳар ва қишлоқ, маҳалла ва овулларимиз қиёфасида ҳам яққол кўриш, ҳис этиш мумкин.

Айниқса, мамлакатимизнинг кейинги саккиз йилдаги ижтимоий-иқтисодий юксалиши кўплаб халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда. Бу эса хорижий давлатлар, инвесторлар ва савдо ҳамкорларининг Ўзбекистонга қизиқишини янада оширмоқда. Қисқа муддатда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самараси ўларок, янги ички маҳсулот ҳамда барқарор ўсди, аҳоли турмуш тарзи тубдан яхшиланди.

Хусусан, 2016 йилда мамлакатимиз янги ички маҳсулот ҳажми бўйича 195 давлат орасида 71-ўринни, 2024 йил якуниларига кўра, Ўзбекистон глобал рейтингда 62-ўринни эгаллади.

Шу билан бирга, қисқа муддатда мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқалари фаоллашди, инвестиция муҳити тубдан ислоҳ қилинди, тадбиркор ва ишбилармонлар учун кафолатли ҳамда шаффоф механизмлар яратилди. Ижтимоий сиёсат ва иқтисодий ўсиш ўзаро уйғун, бир-бирини тўлдирувчи тизим сифатида шакллантирилди.

Эришилаётган бундай ютуқлар ва самарали натижалар мамлакат молиявий стратегиясини тўғри йўлга қўйиш, бюджет ислохотларини мақсадли ва натижадор тарзда амалга ошириш билан chambarchас боғлиқ.

Мамлакатнинг бош молиявий ҳужжати — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳар йили бюджет маблағларининг ижтимоий йўналтирилганини, инсон қадрини улуғлаш ва аҳолининг фаровон ҳаётини таъминлашга устувор аҳамият қаратилаётганини намоён этади. Жумладан, давлат бюджети ҳаражатининг 50 фоизидан ортиғи таълим,



Шавкат ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя соҳаларига йўналтирилаётгани Конституциямизда мустаҳкамланган ижтимоий давлат принципининг амалий ифодасидир.

Ушбу анъана изчил давом эттирилиб, 2026 йил учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидеги ҳам аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, халқ фаровонлигини юксалтириш, “яшил” иқтисодий ривожлантириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизими қамровини кенгайтириш ҳамда сифатли таълимни таъминлаш каби ижтимоий соҳалар устувор вази фа этиб белгиланган.

Олий Мажлис Сенатининг янги мажлисида маъқулланган “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун келгуси йил учун мамлакатимизнинг консолидациялашган бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Макроиктисодий кўрсаткичлар, янги ички маҳсулот ўсиш суръати ҳамда солиқ-бюджет сиёсатидаги ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда консолидациялашган бюджет даромади 515,8 триллион сўм, харажати эса 567,6 триллион сўм этиб белгиланган. Бунда бюджет тақчиллигини янги ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан оширилган режалаштирилмоқда.

Қонунга мувофиқ, 2026 йилда Ўзбекистон иқтисодиётида янги ички маҳсулотнинг реал ўсиш суръати 6,6 фоизни ташкил этиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 4026 АҚШ долларига етказилиши кўзда тутилган. Шунингдек, саноатда ўсиш 6,4 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4,2 фоиз, бозор хизматларида 14,5 фоиз, қурилиш соҳасида эса 10,2 фоиз бўлиши прогноз қилинган. Инфляция даражаси эса 7 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.



2026 йилда Давлат бюджети харажати 402,6 триллион сўми, даромади эса 368,9 триллион сўми ташкил этиши режалаштирилган. Давлат мақсадли жамғармалари

даромади 78,6 триллион сўм, харажати эса 74,4 триллион сўм (бюджетларро трансфертлар ҳисобга олинмаган ҳолда) этиб белгиланган.

Бюджет ҳужжатларида кўринишича, келгуси йилда ҳам ижтимоий соҳа харажати салмоқли улуғга эга бўлади. Харажатларнинг қарийб 55 фоизи, яъни 220,1 триллион сўми ижтимоий соҳага йўналтирилади. Хусусан, таълим соҳаси учун бюджет харажатининг 25,5 фоизи ёки 100 триллион сўмини ажратиб назарда тутилган. Соғлиқни сақлаш соҳасига эса 49 триллион сўм, яъни жорий йилга нисбатан 11,4 фоиз кўп маблағ йўналтирилмоқда. Шунингдек, бюджет харажатининг 4,2 фоизи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга ажратилади.

Бу чора-тадбирлар давлатимиз раҳбари томонидан ислохотларнинг энг устувор йўналиши сифатида белгилаб берилган таълим сифатини ошириш, аҳоли эҳтиёжлари ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган соғлиқни сақлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

2026 йилда макроиктисодий сиёсат соҳасидаги устувор вази фа ларни бажариш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, маҳаллалар инфратузилмасини тақомиллаштириш, ижтимоий соҳа объектларини замонавий талаблар асосида ривожлантириш ва давлат дастурида белгиланган муҳим тадбирларни амалга ошириш юртимиз тараққиёти ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, бюджет даромадларини янада ошириш чораларини кўриш долзарб вази фа дир.

“**Яна бир муҳим жиҳатта Эътибор қаратиш лозим. Давлат бюджети бу — халқ маблағи. Демак, бюджет маблағини мақсадли ва самарали фойдаланиш, ажратилган ресурсларни ўз вақтида ва аниқ йўналишлар бўйича ўзлаштиришга алоҳида Эътибор бериш зарур. Бу борада вази рлик ва идораларнинг масъулияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга. “Халқ маблағлари халқ учун ишлаши шарт” деган тамойилни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш молия сиёсатининг асосий мақсадидир.**

Шунингдек, “Очиқ бюджет” портали фаолиятини охирига чикитилиши ва жамоатчилик назоратини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Иқтисодий ислохотлар босқичма-босқич, стратегик пухта режа асосида амалга оширилаётган айни пайтда бюджет самардорлиги, манзиллилиги ва мақсадлилигини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиз.

ШАФФОФЛИК ЎЗARO ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ



Замон билан ҳамнафас

Давлат ва жамият бошқарувида очкиликни таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши муросасиз курашиш — янги Ўзбекистон тараққиёт йўлининг энг устувор йўналишларидан. Айниқса, банк-молия секторига ҳалоллик ва шаффофлик стандартларини жорий этиш нафақат молиявий барқарорликни сақлашда, балки аҳолининг тизимга ишончини мустаҳкамлашда ҳам ҳал қилувчи жиҳатдир.

Шу мақсадда мамлакатимизда эълон қилинган “Коррупцияга қарши курашиш ойлғи” доирасида Марказий банк ҳамда “Агробанк” АТБ ҳамкорлигида ўтказилган “Очиқ эшиклар кунини” тадбири соҳадаги ислохотларнинг амалий ифодаси бўлди.

Мазкур тадбирда соҳа масъуллари, банк раҳбарияти ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиб, банк тизимида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича кўрилатган комплекс чора-тадбирларни муҳофаза қилди. Ингиллишда сўзга чиққанлар молия секторига очкиликни таъминлаш, ички назорат тизимларини замон талабларига мослаштириш ва энг асосийси, ходимлар масъулиятини ошириш борасида қилинаётган ишлар юзасидан батафсил маълумот берди. Тадбирнинг шунчаки қуруқ ҳисобот шаклида эмас, балки жонли ва очки мулоқот тарзида ташкил этилгани, журналистлар ва иштирокчиларнинг қизиқтирган ўткир саволларга соҳа мутаассадларининг аниқ ва лўнда жавоб бергани йнгилишининг аҳамиятини янада оширди.



“Агробанк” АТБнинг бугунги фаолиятини таҳлил қилинганда, банк нафақат молиявий хизматлар кўрсатиш, балки корпоратив бошқарув ва комплаенс назоратини кучайтириш борасида ҳам етакчи ўринларни эгаллаб келаётгани ойдинлашди. Хусусан, банклар ўртасида коррупцияга қарши курашиш сармаларини бўйича эришгани тизимли саъй-ҳаракатлар самарасидан дарак беради. Ушбу натижа банкда “ҳалоллик вақтинаси” ўз вақтида ва тўғри қўлланигани, ҳар бир жараён шиффофлик мезонлари асосида ташкил этилаётганини аниқлади.

Шунингдек, банк фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масаласи

ҳам эътибордан четда қолмаган. Жумладан, банк фаолиятига оид 180 та ички меъриий хизматлар кўрсатиш, балки талабларига тўлиқ мослаштирилгани ҳар бир ходимнинг ўз вази фасини қонун доирасида бажаришини таъминлаш билан бирга мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга олиб чиқишга замин яратди.

Шу ўринда жамоатчилик назоратини кучайтириш ва фуқаролар билан қайта алоқани йўлга қўйиш мақсадида замонавий рақамли ечимлардан самарали фойдаланилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Банк тизимида учраётган ҳар қандай ноқонуний ҳолатлар ёки коррупциявий хатти-ҳаракатлар юзасидан фуқаролар тўғрисида тўғри “komplaens@agrobank_bot” манзили орқали мурожаат қилиши мумкинлиги очкилик

сиёсатининг амалдаги исботидир. Мазкур механизм муаммоларни нафақат тез ҳал этиш, балки тизимдаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш имконини беради. Zero, коррупцияга қарши курашиш фақат назорат органларининг вази фаси эмас, балки бутун жамиятнинг биргаллиқдаги саъй-ҳаракатларини талаб этадиган жараён-дир.

“Агробанк” да ўтказилган мазкур тадбир ва эришилаётган натижалар банк-молия тизимида шаффофликни таъминлаш йўлида дадил қадам ташланаётганини кўрсатади. Бу каби амалий ишлар миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлигини таъминлаш ва халқимизнинг банк тизимига ишончини янада оширишга хизмат қилади.

Рашид ХўЖАМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Иқтисодиёт одимлари

Жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири турли формат ва йўналишдаги кўргазмалардир. Улар маҳаллий даражада ҳам, халқаро миқёсда ҳам инновациялар алмашинуви, савдо муносабатларининг кенгайтиши, маданий мулоқот ва туризм ривожланишига хизмат қилади. Бугун кўргазмалар нафақат маҳсулот ва хизматлар намойиш қилинадиган майдон, балки глобал бизнес стратегияларини шакллантирадиган платформа вази фасини ҳам ўтаётти.

КўРGAZMA — ҲАМКОРЛИК УЧУН ҚУЛАЙ ПЛАТФОРМА

Маҳаллий ва халқаро кўргазмалар ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотини кенг аудиторияга тақдим этиш, мижозлар топиш ва экспорт ҳажминини ошириш имконини беради. Бу орқали янги шартномалар имзоланиди, тадбиркорлар бозорга кириб келади, қолаверса, солиқ тушуми ҳам кўпаяди.

Сўнги йилларда юртимизда ушбу йўналиш ривожланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудуддаги катта-кичик павильонларда ўтказилаётган турли кўргазмаларнинг мавзуси, йўналиши, иштирокчилар таркибига назар солган киши юқоридаги мулоҳазалар ҳақиқатдан узоқ эмаслигига ғувох бўлади. Мазкур тадбирларнинг жамият ва иқтисодиётга таъсирини соҳанинг кўплаб мутахассислари ҳам эътироф этади.

Бундан ташқари, муваффақиятли ташкил этилган халқаро кўргазмалар хорижий инвесторлар учун мамлакат иқтисодий салоҳияти билан танишни имконини беради. Инвесторлар саноат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари, туризм каби соҳалардаги лойиҳаларга сармоа киритади, технологиялар ва ноу-хаулар билан ўртоқлашади, янги иш жойлари очилишига туртки беради.

Масалан, Itesa Exhibitions компанияси бундан 30 йил муқаддам Ўзбекистонда фаолият бошлаган. Утган вақт мобайнида у янги форматдаги кўргазма саноати — хорижий компаниялар иштироки ва юқори халқаро стандартлар асосида соҳани ривожлантириш учун самарали замин яратишга муваффақ бўлди. Яъни кўргазма саноатида етакчи глобал иштирокчилар амал қиладиган стандартларни жорий этиди. Бу факт Itesa Exhibitions компаниясининг соҳада барқарор етакчилигини таъминламоқда.

Кўргазма саноати ҳар доим мамлакатдаги прогрессив ўзгаришларнинг кўрсаткичи сифатида профессионаллик даражаси ва бизнеснинг ривожланишига тайёрлигини акс эттиради, — дейди Itesa Exhibitions компанияси бош директори Нигора Ҳасанова. — Бугун бозор фаол равишда ўзгариб бормоқда: янги операторлар ва майдончалар пайдо бўлмоқда, замонавий тадбирлар формати жорий этилмоқда, бутун саноат учун юқори стандартлар ва мезонлар ўрнатилмоқда.

Дастлабки лойиҳалар 1995 йилда бўлиб ўтган “Соғлиқни сақлаш — ТПНЕ” ва 1997 йилда ташкил этилган “Ўзбекистон нефть ва газ” — OGU” билан бошланган эди. Вақт ўтиши билан улар бутун Марказий Осиё учун муҳим воқеага айланди.



Бугун компания портфолисида 20 та кўргазма мавжуд. Уларнинг ҳар бири тармоқда етакчи ўрин эгаллайди ва тегишли соҳаларни ривожлантириш учун мезонларни белгилайди.

Ушбу тадбирлар Ўзбекистоннинг халқаро кўргазма харитасидаги обрўсини оширади, мамлакатнинг ишончли бизнес шерик сифатидаги имижини мустаҳкамлайди ва жадал иқтисодий ривожланишини намоён этади. Кўргазмалар ва анжуманларнинг овозаси Ўзбекистондан ташқарига ҳам кенг тарқалди. Бу иштирокчиларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан таркиби, шунингдек, хорижий ва маҳаллий аудиториянинг доимий эътибордан далолат беради. UzBuild, UzFood, CAITME, TINE, OGU ва TextileExpo Uzbekistan каби кўргазмалар миллий бренд макомини олди ва мамлакатдан ташқарида ҳам эътибор қозонди.

— Биз компаниямизга “Itesa Exhibitions Ўзбекистон иқтисодиётига хизмат қилишдан фахрланади!” деган шиор танлаганимиз ва барча саъй-ҳаракатларимизда бу ўз аксини топади, — дейди Нигора Ҳасанова. — Тажриба яхши ташкил этилган кўргазма ва анжуманлар хавфсизлик ва электроникадан тортиб, қурилиш, энергетика,

енгил ва оғир саноатга бўлган кўплаб соҳаларда ижобий тенденцияларни рағбатлантиришни кўрсатади. Ҳар бир тадбир тажриба алмашиш, ҳамкорликни ривожлантириш ва инновацияларни илтари суриш учун платформага айланади.

Иштирокчиларнинг сўровига кўра, кўплаб компаниялар учун кўргазмаларда иштирок этиш мамлакат бозорига киришнинг зарурий элементига айланган. Бу ерда улар мижозлар, дистрибьюторлар, профессионал уюшмалар ва давлат идоралари билан тўғридан тўғри алоқа ўрнатади, бизнесни кенгайтиради, шартномалар тузади ва келажакдаги лойиҳаларни муҳофаза қилади.

— Кўргазмаларнинг туризм соҳаси ривожидидаги аҳамияти беқиёс, — дейди иқтисодчи Гулшан Мўминова. — Тадбирлар ўтаётган ҳудудларда меҳмонхоналар, транспорт, оқватланиш, кўнгилочар хизматларга талаб кўпаяди. Натигада кафе, турар жойлар, сервис марказлари каби кичик бизнеслар даромади ошади. Шунингдек, бу шаҳар инфратузилмасининг ривожланишига ҳам сабаб бўлади. Эътиборга молик яна бир жи-

ҳати, халқаро кўргазмалар турли халқлар, цивилизациялар ва маданиятлар ўртасида мулоқотни мустаҳкамлайди, ижтимоий фаоллик ошишига хизмат қилади. Жамият бу орқали янги билим ва тажрибага эга бўлади, замонавий тенденцияларни кузатади, маданий бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ривожланади.

Яна Itesa Exhibitions мисолида таҳлил қилдиган бўлсак, 2025 йили компания иштирокда юртимизда 20 та халқаро кўргазма, тўртта нуфузли форум ва 36 та тематик семинарлар ташкил этилди. Тадбирларда 55 мамлакатдан 4311 та компания ва бренд, 251 спикер ва модератор ҳамда 3957 делегат иштирок этиди. Бу мамлакатимиз ҳудудда ташкил этилаётган кўргазма тадбирларининг халқаро даражаси ва аҳамиятини тасдиқлайди. Кўргазмаларда нафақат жаҳон етакчилари ва таниқли брендлар, балки кўплаб маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳам иштирок этиди. Бу маҳаллий корхоналарнинг ютуқларини намойиш этиш ва уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга ёрдам берди.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимиз таълим тизимидаги ислохотлар, хусусан, иқтидорли ёшлар билан ишлаш ҳамда уларнинг халқаро майдонда рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар самараси яна бир бор буй кўрсатди. Хусусан, Хива шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси Шоҳжаҳон Кўпалов халқаро математика чемпионатида 50 дан ортиқ давлатдан келган иштирокчи орасида мутлақ ғолиб бўлди. Наманган шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг иқтидорли икки ўқувчиси эса Печак лигасига кирувчи, жаҳон университетлари рейтингининг юқори ўринларидан бирида турувчи Пенсильвания университетига ўқишга қабул қилинди. Аини натижалар Президент мактаблари тармоғида татбиқ этилаётган замонавий таълим методлари, индвидуал ёндашув ва илмий изланишга йўналтирилган ўқув муҳити самарасидир.



Мулоҳаза

Таълим трансформацияси: ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАР — УМУМТАЪЛИМ ТАЯНЧИ

Шу йил 9 сентябрь кuni мактабга ва мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар ижроси ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари юртимизда 450 минг ўқувчини қабул қила оладиган 598 та техникум борлиги, лекин уларга ёшларнинг қизиқиши, касб топиш кўрсаткичи юқори эмаслигини қайд этди. Шунинг учун энди техникумларга ҳам Президент ва ихтисослашган мактаблар таълими асосида халқаро стандарт бўйича замонавий касба ўқитиш муҳитини олиб кириш зарурлиги таъкидланди. Бу эса умумтаълим тизимидаги янгиланишлар самара бераётганига ишора.

2019 йилда ижод мактаблари ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари сони бор-йўғи 12 та бўлган, бугун эса бу кўрсаткич 200 дан ошди. Ушбу мактабларда фаолият юритаётган педагоглар 9000 га етди. Ўқувчилар сони эса 3500 дан 73 минггача кўпайди. Шунингдек, 2025/2026 ўқув йилида 17 та ҳудудий ихтисослаштирилган мактаб, Мухаммад ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабларнинг филиаллари очилди. 9 та ижод мактаби ва ихтисослаштирилган таълим муассасаси мамлакатимиздаги етакчи 10 талликка кирди. 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб ихтисослаштирилган мактабларда шахмат дарслари, “Ёш академиклар” клуби фаолияти, академикларнинг маҳорат дарслари йўлга қўйилди. Таълим жараёни 5 кунлик ўқитиш тизимига ўтказилди.

Мирзо Улугбек ва Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабларда халқаро IV ўқув дастури асосида дарс берилмоқда. 30 та ихтисослаштирилган мактабнинг 5-6-синфларида STEM фанлар инглиз тилида — Кембриж таълим дастури ҳамда дарсликлари асосида ўқитилмоқда. Хитойнинг 5 та нуфузли таълим ташкилоти билан меморандум имзоланди. Бу мактабларда ўқувчилар ўқиш ва ижоддан бўлиш вақтини спортда ҳам фаоллик ўрсатиш билан ўтказишга интилади. Спорт турлари бўйича 23 ўқувчи миллий тарма жамоа аъзоллигига қабул қилинган. “Президент олимпиадаси” спорт мусобақасида бокс бўйича 9 та медал кўлга киритилган фикрими тасдиғидир.



Ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиларига ўқидан ташқари таълим доирасида иқлимшунослик, боғдорчилик, деҳқончилик сирларини ўргатиб келингани самараси ҳам кўрина бошлади. Президентимизнинг 2024 йил 1 апрелдаги “Ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида “Ёш академиклар” клубини ташкил этиш, ҳар йили умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида таълим, ахборот технологиялари, яшил энергия, экология, иқлим ўзгариши ва қишлоқ

хўжалиги йўналишларида янги маҳсулот ёки хизмат турини ишлаб чиқишни назарда тутувчи “Ихтирочиликка қадам” танловини ўтказиш белгилаб қўйилган. Шу маънода, ихтисослаштирилган мактабларда экологик таълим йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Аини пайтдаги глобал иқлим ўзгаришлари, экологик мувозанатнинг ўзи ҳам таълим муассасаларида экологик тарбияга жиддий эътибор берилиши зарурлигини кўрсатаяпти. 2021 йилдан буён баъзи мактаблар “Eco-Schools Uzbekistan” халқаро дастурида иштирок этиб келаётгани, уларнинг 50 дан

ортигида иссиқхона барпо этилгани эътиборга молик. Бу, аввало, биология йўналишида таҳсил олаётган ёшларнинг назарий билимини амалиётда қўллашга хизмат қилмоқда. Қолаверса, маҳсулотлардан кичик сепарат сифатида фойдаланишга ҳам йўл очилапти. Талаб юқори бўлган маҳсулотларни сотиш орқали мактабга керакли жиҳозлар, иссиқхона учун қўчат, уруғ, ўғит кабиларни сотиб олиш имконияти кенгайди. Иссиқхона ортдан тадбиркорлар билан шартнома тузиб, даромад топаётган ўқувчилар билан суҳбатлашиб, бунга ишонч ҳосил қилдик. Намангандаги ихтисослаштирилган мактаблардан бирининг ўқувчилари тайёрлаган инновацион лойиҳа — ҳарорат, намлик, шамол кучи ҳамда бошқа метеорологик кўрсаткичларни аниқлайдиган “Clima Sense” ҳам мактабларда иссиқхона ҳўжалигини йўлга қўйишда орттирилган тажриба мевасидир.

Мақтабга ва мактаб таълими вазирлиги, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, “Замин” халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Eco-Schools Uzbekistan” дастури доирасида “Ёш фермер” лойиҳаси йўлга қўйилган. Унга 2021 йили 22 та, 2023 йили 40 та, ўтган йили 89 та, бу йил эса 139 та мактаб жалб этилди. Аъзо мактабларга шароитдан келиб чиқиб, иссиқхоналар куриб берилади. Иссиқхонага эга бўлган мактабларда боғдорчилик учун зарур шароит яратиб берилган. Ўқувчиларнинг иссиқхона ҳўжалигига доир билимини шакллантириш, иқлим ўзгариши ва тупроқ деградациясига таъсирини ўргатиш учун экспертлар иштирокида маҳорат дарслари ташкил этиляпти. Бу лойиҳа кўламини тобора кенгайтириб, халқаро ташкилотларда ҳам қизиқиш уйғотаётган.

Итиргимага яқин ихтисослаштирилган мактабда амалиётга татбиқ этилган “Zero Waste” (ноль чиқинди) лойиҳаси чинқинди муаммосига ечим топишга қаратилган. Бу йўналишда ҳам кўплаб ўқувчилар янги-янги гоълар, стартаплар ишлаб чиқиб, танловларда ғолиб бўляпти. Ҳозир ёшларнинг иқтидори, салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қиладиган танловлар жуда кўп. Уларнинг ҳар бири ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга. Аиниқса, ёшларнинг сунъий интеллектга қизиқишини оширувчи танловларга эҳтиб қатта. Шу йил 28 ноябрь кuni пойтахтимизда сунъий интеллект бўйича ўтказилган халқаро форумда давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор вазифалар бунга янада кенг йўл очди. Аини вазифаларни бажариш учун Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги “Silkroad Innovation Hub” асосини билан муҳим келишувларга эришди. Бу орқали ўқувчи ва ўқитувчилар сунъий интеллектга асосланган таълим дастурулари, замонавий ўқув-семинарлар, онлайн таълим платформаларидан кенг фойдаланиши мумкин.

Муножат МҶМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Нуқтаи назар

Давлат, жамият, оила, инсон режасиз, мақсадсиз, манфаатларсиз яшай олмайди. Режа, мақсад, манфаатлар гоъ ва мафкура асосида туғилади, шаклланади. Давлатни давлат, жамиятни жамият, миллатни миллат қиладиган фикрлар ва инновацион гоълар тизимларига одатда миллий мафкура деб қараймиз.



Миллий мафкура миллат мақсадлари, интилишларини ифодалайди ва акс эттиради. У миллий тараққиёт билан чамбарчас боғланган ва тўла маънода унга дахлдордир. Миллий мафкура эркин бозор иқтисодиёти ва демократия қонун-қоидалари ҳамда шароитларида халқларвар давлат ҳамда фуқаролик жамияти барпо этишимизга, яъни туб миллий манфаатимизга хизмат қилади, улкан марраларга эришмоғимизни таъминлайди. Бу эса миллий гоъвий мафкуранинг бош мақсадини ифодалайди.

Шу ўринда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг миллий мафкурани шакллантиришдаги роли ҳақида тўхталиб ўтсак. Журналистнинг сиёсий, мафкурарий, фалсафий, ахлоқий, диний ва эстетик қарашлари ижоднинг мағзида, руҳи ва онгида ётади. Демак, миллий гоъвий-мафкурарий қарашларни ўз қалбига сингдирган матбуотчи янги жамият барпо этиш жараёнида ва эркин давлат

жамият мана шу нурули шамчирик каби олға силжийди. Бунда шамчирик вазифасини матбуот бажаради. Вақти матбуотда чоп этилаётган муаммоли мақолалар тафаккур тарозисида таҳлил қилинса, халққа тез етиб боради, фикр беради, энг муҳими, истиқболга, иқболга чорлайди. Кўп асрлик тарихга эга вақтли матбуот — журналлар ва газеталарнинг аҳамияти беқиёс.

Журналистик фаолиятда бадиийлик, тезкорлик ва илмий тарихий уйғунлашганда самара кутилганидек бўлади. Бошқача айтганда, миллий контентни чуқур ўзлаштиришимиз ниҳоят зарур. Шунда ҳам ёритилаётган ёки умуман ёритилмаётган ўнлаб, юзлаб мавзуларни юксак савияда кўтариб чиқиш мумкин бўлади.

Шу ўринда матбуот ва ОАВ ижодий ҳодимларига баъзи тақлифларимиз бор. Биз газета ва журналлар ҳамда телевидениеда айрим камчиликларни кузатишдик. Кўп ҳолларда муаммоли факт ва воқеа-ҳодисаларни пухта ўрганиш орқали қиёслаш, таҳлил қилиш маҳорати етишмайди. Янги хабарни “танаси совимасдан” ўқувчига етказиш, мамлакат иқтисодиётидаги янгиланган ҳолатни ўқувчига етказиш билан қиёслаш, дунёнинг бугунги сиёсати ва халқаро ҳаётдан ўқувчиларни зудлик билан бохабар қилиш, жаҳон сиёсати, иқтисоди, маданияти, санъатини Ўзбекистон иқболи билан уйғунлиқда кўрсатиш, ҳукумат вакиллари, давлат идоралари раҳбарларини доимий равишда матбуотга жалб этиш ва уларнинг гоъвий-мафкурарий қарашларини халққа етказишнинг долзарблигини бир зум ҳам пайсалга солмаслик керак.



Миллий мафкура — муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, халқ, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддolari ифодаланган гоъвий-назарий қарашлар, уларни амалга ошириш тизими. Гоъвий мафкура-сиз ижтимоий гуруҳ, жамият ва миллат тўлиқ шаклланмайди. Миллат ва гоъвий мафкура тушунчалари ўртасида ўзаро узвийлик бор. Бир жамиятда хилма-хил фикр, мафкурарий қарашлар бўлиши мумкин ва буни табиий ҳол деб қабул қилиш керак.

Миллат, ҳозирги кунда мамлакатимизда бешта сиёсий партия фаолият юритмоқда. Уларнинг ўз низоми, дастури, демакки, ўз сиёсий қарашлари, гоъвий-мафкураси бор. Бу ҳол демократик ривожланишнинг хилма-хиллиги, аммо бош мақсад ва вазифаси — янги Ўзбекистон тараққиётининг гоъвий-мафкурарий стратегиясини ташкил қилади.

Аиниқса, газеталар бир кунлик, ҳафталик бўлса-да, ўз аҳамиятини йўқотмайди. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги матбуот ва оммавий ахборот воситаларимиз қандай бўлиши керак деган савол туғилади. Тўғри, интернетнинг хазинаси бой ва ранг-баранг. Унга таққийди, ақл-заковат билан ёндашшимиз, янги Ўзбекистонда содир бўлаётган жаҳоншумул воқеаларни муттасил тарзда узагиб туришимиз зарур. Буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний ўз даврида ахборотни ҳаёт афсонадан, эртакдан излашга даъват этганидир. Эндиликда электрон техника ёрдамида ўзимизни таниш, тарғиб қилиш, шу билан бирга, турли қитъалардан етиб келаётган хабарларни саралаш, баҳолаш, жамият эътиборига ҳавола этиш давр талаби бўлиб қолди.

Жамият ва матбуот тушунчаси ўзаро чамбарчас боғлиқ. Жамиятда ўз бераётган баъзи камчиликлар учун матбуот ҳам муайян даражада айбдорлигига шубҳа йўқ. Эркин матбуотда жамиятдан ўзган ҳолда ёки унинг барча жаҳалари билан боғлиқлигидagina мулоҳаза юритиш аини муддаодир.

Демократия — дунёдаги тараққий этган мамлакатлар ҳам ўн, элик ва ҳатто юз йиллар мобайнида етишиб, етиша олмаётган гоъят машаққатли жараён. Тараққиётнинг кўзланган жамият матбуот эркинлиги воситасидagina мақсадига еришиши мумкин. ОАВ юксалмай туриб, жамият юксала олмайди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тун сиҳатлигини қўриқласа, ОАВ эркинлашган ҳур тафаккур ва онгу шуур соғломлигини таъминлайди.

Умуман олганда, ҳар қандай жамият, у қайси йўлни танлаган бўлишдан қатъи назар, ўз гоъларини амалга ошириш учун миллий гоъвий мафкурага суянади ва таянади.

Бизда кўпгина раҳбарлар матбуот, телевидение ва радио ҳодимлари билан учрашиб, мулоқот қилишдан тортинади. Ўзини олиб қочади. Бундай ҳолларни тугатиш пайти келди. Ўз вазифасини ҳалол бажарувчи ва ишининг муносибни яхши билувчи, қобилияти, тadbиркор, фидойи мутахассис ҳамда раҳбарлар афкор ома билан ошқора мулоқотда бўлиши зарур. Бундан улар ҳам, жамият ва давлат ҳам манфаатдор, албатта.

Маънавий-руҳий янгиланишларда журналистлар ва матбаачиларнинг алоҳида ўрни бор. Улар янгиланган жарчи, ислохотлар тарғиботчиси, давлат ва жамият ўртасида беғараз ва холис воситачи сифатида ҳаётий муаммоларга онгли ёндашувчи ёшларни тарбиялашда фаоллик кўрсатмоқда. Президентимиз БМТнинг 80-сессиясида сузлаган нутқиди дунё ҳамжамияти эътиборини эртанги кунимиз эгалари — ёшлар масаласига қаратиб, бундай деди: “Эртанги кунимиз, дунёнинг тақдир ва фаровонлиги ўсиб келаётган ёш авлод қўлида. Ёшларимизнинг қалби ва онига тинчлик, гуманизм ва дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат каби олижаноб гоъларни сингдириб долзарб вазифамиздир.

Бу борада “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни тасвир этиш ва унинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш тақлифини илгари сурамиз”.

Бугун журналистларимизнинг тафаккури, дунёқарашини ўзгарди. Мультимедиа майдонини тобора миллий шакл ва мазмун, миллий қиёфа касб этиб бормоқда. Дарвоқе, ҳаётимизда унинг роли янада ошди, вазифаси ва жамият олдидagi масъулияти кенгайди.

Ҳар бир журналист янги Ўзбекистоннинг, энг аввало, янги тарихда ўз зиммасига шарафли ва масъулиятли вазифалар юклаганганини чуқур англаб етиши, ҳар соҳада ҳозиржавоб бўлиши керак. Ҳақиқат машъаласини баланд қўтариб, ижтимоий ҳаёт ичига дадил қадам ташлаши, яшаш тарзини яхши билиши, жаҳонлик ва фидойийлик кўрсатиб, воқеалар қозонида қайнаб, ижодда ёнмоғи, ҳақиқатни ёзмоғи жуда зарур. Чархланган ўтир қалами, залворли тоза ва пок фикри, ақл-заковати билан ижодий маҳоратини зулуксиз ошира бориши ҳамда Ўзбек журналистикасини нуфузини жаҳон андозлари даражасига кўтаришга салмомли ҳисса қўшимоғи лозим.

Хулоса ўрнида давлатимиз раҳбарининг қўйидаги фикрларини келтириб ўтмоқчимиз: “Глобал ижтимоий-сиёсий жараёнлар беқиёс шиддат билан ўзгараётган ҳозирги ўта мураккаб ва нотинч дунёда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсири ҳар қачонгидан ҳам кучли аҳамият касб этаётганини ҳаммамиз сезиб-англаб туришимиз.

Шу маънода, бепоеён медиаоламда холис ва ҳаққоний ахборот тарқатиш билан бирга, миллий манфаатларимизни қатъий ҳимоя қиладиган журналист аҳлининг машаққатли меҳнатини муқаддас сарҳадларимизда сергак турган Ватан парварларининг жасоратига қиёсласак, уйлайманки, ўринли бўлади”.

Бундай даъват барча матбуот ва ОАВ ҳодимларининг тарғибот-ташвиқот ишларидagi фаолиятини янада оширади. Демак, бу лойиҳанинг қўлидан келишига ишонамиз.

Карим НОРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети профессори, тарих фанлари доктори



yuz.uznews



yuz_official



Эътироф

ДАХЛДОРЛИК ВА ФИДОЙИЛИККА МУНОСИБ РАЪДАТ

Жиззахлик Имомкул Бердиевга Президент совғаси топширилди



Қишнинг совук, изгирили кунни. Бундай пайтда кўпчилик нурунийлар иссиқ уйда телевизор томоша қилишни хуш кўради.

Шароф Рашидов тумани "Қанли" маҳалла фуқаролар йиғини нурунийлар жамоатчилиги кенгаши раиси бўлган отахон учун ҳар кун шундай бошланади: кимнингдир эшиги қоқилади, кимнингдир юзига табассум улашади, кимнингдир дарди эшитилади.

Имомкул ота доимидек аҳоли ҳолидан хабар олиш, уларнинг муаммоларига қўлоқ тутиш билан банд. Куннинг маромини ўзгартириб юбориши мумкин бўлган, ҳаётдаги энг унутилмас ва қутилмаган воқеа яқинлашиб келаётганидан ўзи ҳам бебахар эди.

Бу хабарни эшитган Имомкул ака аввалга ишонмади. Бир лаҳзада юраги қаттиқ уриб кетди. "Менга? Қандай қилиб?" деган саволлар хаёлини чулғаб олди.

Кўп ўтмай, уйи олдида хизмат машиналари келиб тўхтади. Вилоят ҳокими Жиззахлик фаоллар ҳамроҳлигида катта ҳурмат билан Президентимизнинг самимий миннатдорлик мактуби ҳамда "Cobalt" автомашинаси калитини Имомкул Бердиевга топширди.

Мақтубни қўлига олган пайтда оқсоқолнинг бармоқлари сезилар-сезилмас титради. Номадаги ҳар бир ҳарф, ҳар бир сўз ва ифода унинг юрагига чуқур кириб борди.

Отахон бу эътиборни ўзи билан бирга бутун маҳалласи, қўни-қўшилари, елкадош фаолларга юксак эътибор рамзи сифатида қабул қилди.

Овози ҳаяжондан титраб: "Президентимиз назарига тушиш мен учун катта бахт. Маҳаллам, юртим учун хизмат қилиш — энг юксак шараф. Мана шундай ишонч эса мени янада фидойилик билан меҳнат қилишга ундайди", деди.

Тўғриси, жуда хурсандман. Миннатдорлигимни қандай ифодалашни билмайман. Зеро, бу Президентимизнинг туманимиз, маҳалламизга юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир. Бу муқофот зиммамга катта масъулият юклади.

Тўғриси, жуда хурсандман. Миннатдорлигимни қандай ифодалашни билмайман. Зеро, бу Президентимизнинг туманимиз, маҳалламизга юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир. Бу муқофот зиммамга катта масъулият юклади.



“ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ҲАР БИР СЎЗИ, БОРГАН ҲАР БИР МАНЗИЛИ ВИЛОЯТИМИЗ АҲЛИ УЧУН КАТТА ИМКОНИАТ, ЯНГИ БОСҚИЧНИНГ БОШЛАНИШИ БЎЛДИ. АЙНИҚСА, ЎЗИМ ТУГИЛИБ ЎСГАН ШАРОФ РАШИДОВ ТУМАНИГА КЎРСАТИЛГАН АЛОҲИДА ЭЪТИБОРНИ КЎРИБ, ЧИН ДИЛДАН ҚУВОНДИМ.

ҳар бир манзили вилоятимиз аҳли учун катта имконият, янги босқичнинг бошланиши бўлди. Айниқса, ўзим туғилиб ўсган Шароф Рашидов туманига кўрсатилган алоҳида эътиборни кўриб, чин дилдан қувондим.

Инфратузилмани яхшилаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун вилоятимизга келгуси йили қарийб 10 триллион сўм ажратилиши мисли кўрилмаган ўзгаришларнинг бошланишидир. Шундан 1 триллион 700 миллиард сўми айнан Шароф Рашидов туманига йўналтирилган экан.

меҳнатини эътироф этиш, тумanning салохиятига юксак ишончдир.

Қолаверса, 9 та маҳалланинг инфратузилмасини яхшилашга Жаҳон банки томонидан 8 миллион доллар ажратилиши ҳам туманимиз аҳолиси учун жуда катта янгилик бўлди. Бу маблағ, албатта, ҳар бир хонадон, ҳар бир кўча ва ҳар бир оила турмушига бевосита таъсир қилади.

Туманимиздаги Эски тошкентлик, Сарайлик, Яхтанлик ва Тараққиёт маҳаллаларида 300 дан ортиқ хонадон мебелчилик билан шугулланади.

Ушбу соҳа учун 3 гектар ерда махсус мебелчилик маркази ташкил этилади. Бу иш оддий цех эмас, балки саноат даражасига кўтарилган, минглаб оилаларнинг даромадини оширадиган йирик устaxonа бўлади дегани. Натияжада 1500 дан зиёд инсоннинг даромади кўпаяди.

Давлатимиз раҳбари туманимизда битта ҳам истироҳат боси йўқлигига эътибор қаратди. Бу жуда тўғри. Инсонга дам оладиган, фарзандлари, неваралари билан сайр қилдиган жой ҳам керак. Шу боси, Янгиҳаёт

маҳалласидан ажратилаётган 10 гектар ерда яшил боғ барпо этиш учун 10 миллиард сўм ажратилиши туманимиз аҳлига улкан совға бўлди.

Яна қатор муҳим топшириқлар берилди. Ажратилаётган маблағлардан оқилона, халқ манфаати йўлида фойдаланиш, уларни ўсиш нуқталарига йўналтириш шулар жумласидан. Бу жуда ўринли талаб.

Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов туманини ягона агломерация сифатида ривожлантириш учун мастер режа ишлаб чиқилади. Европалик мутахассислар жалб қилиниб, замонавий тажриба, илгор шаҳарсозлик ишлари бажарилади. Бу ҳам туманимизга янги чаруҳ беради.

Жиззах шаҳри ва туманимиз ўртасидаги 40 гектар ҳудудда 1200 хонадонли 50 та кўп қаватли уй, боғча, мактаб, шифохона барпо этилиши, йўл ва электр инфратузилмалари қурилиши — буларнинг барчаси халқ учун, авлодларимиз учун катта имконият. Муҳими, икки ҳудудни боғлайдиган ягона жамоат транспорт тизими йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, янги массивда ягона матмурий марказ қурилиб, туманимиздаги барча давлат ташкилоти шу ерга қўйрилиши ҳам бошқарувини яхшилади. Халқ билан давлат идоралари ўртасидаги масофани қисқартиради.

Президентимиз ташрифи чоғида белгилаб берилган вазифаларни эшитиб, туманимиз ва вилоятимиз ҳаётида ҳақиқатан янги давр бошланганини англадим. Бу ишларнинг амалга ошиши юртимизни обод, халқимизни янада фаровон қилади.

Имомкул ота билан хайрлашар эканман, юзиданги самимий табассум ва кўзидаги қувончни кўриб, унинг ҳаётдан, бугунги илҳомлардан қанчалик мамнун эканини англадим. Отахоннинг фаоллиги, самимийлиги, фидойилиги ва ватанпарварлиги ҳар қандай инсонда ҳавас уйғотади.

Фарҳод НЕЪМАТОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



Тонг. Кўкдаги сарик барқашдек офтоб табиатни дубфатан уйғотиб юбормаслик учун аста мўраллади, хира нур сочди. Бу сирли шувъла таъсирида заминни қора чойшабга ўраган тун ортга чекинди. Зулмат ўрнини ёруғлик эгаллади. Қуёш тафтидан бутун жонзот бағрига илиқлик югурди, борлиқ жонланди. Майин эсган насимдан гулу райхон тебраниб, атрофга ажиб бўйини таратди. Қушлар кўкда чарх уриб, булбуллар чаҳ-чаҳлаб инъом этган навбатдаги тонги учун Яратганга ҳамду сано айтди гўё.

Бобоқуёш ўз қўрнини ўзгача меҳр билан ёғдирадиган ўлкада янги кун бошланди. Тандиндан иссиқ нон узилди, оппоқ яқтаги каби қалби оқ, кенг мангайига пешонабоғ ўраган, алпоқмет дехқон даласи томон оланди. Масжид мезанасидан азон товуши янгради. Кўп қаватли туғуруқхонада янги меҳмон дунёга келди. Шоир илҳом билан битган ғазалига нуқта қўйди. Рассом қўлида қалам билан табиатга термилди, бўлгуси асарининг андазасини чизди. Боғбон қўлида тоққайчи билан боғ оралади. Карнай-сурнай садоси остида бир хонадонда тўй дастурхони ёзилиб, ош тортилди. Кенг кўчада дарё мисоли тўлиб тошган ўгил-қизлар билим масканларига шошмоқда. Файзли ҳовли тўрига қўйилган сўрида кексалик гаштини сураётган отахон билан онахон нуноштадан сўнг дуога қўл очиб, фараҳбахш тонг насиб этгани учун Яратганга шукрона қилди. Жимзатта отланган дилбандларига оқ йўл тилади. Янги кун, янги ҳаёт бошланди.

Ҳаёти дарёдек жўшаётган бу диёр — менинг Ватаним.

Ватаник, тўрт фасл мужассам унда, Кўёш соғинади кўрмаса кунда. Халқ дилида Аллоҳ, меҳнатда қўли

Кўёшдек мунаввар танлаган йўли... Бу менинг Ватаним — тилларда дoston, Таърифи беқиёс, ҳур Ўзбекистон.

Ватан — она. Онани тилга олсак, кўз ўнгимизда Ватан. Ватан номини лутф этсак, она гавдаланади. Ҳар бир инсон киндик қони тўкилган ўлкани фақат баландпарвоз сўзлар билан кўксига уриб эмас, аксинча, юрт, эл олдидаги бурчини амалда доврўксиз, миннатсиз адо этсагина, юксак эътиқодли, инсоний инсонларга хос фазилат соҳиби саналади.

Ватани тил билан эмас, дил билан, сурат билан эмас, сийрат ила севмоқ виждон амридир. Шоир юрти ҳақида шеър битгани, аскар содиқлик ҳақида қасамед қилгани билан ватанпарвар бўлиб қолмайди. Она юртва сўнмас меҳр мурғак қалбига она сути билан кириши ва оқибатда жон билан чиқмоғи табиийдир.

Ўзинг туғилиб ўсган, улгайиб воёга етган, татлим-тарбия топган, беминнат тузини тогган юртнинг асло қиёси йўқ. Айниқса, олам кезсанг, ўзга халқларнинг ҳаёти билан яқиндан танишсанг, Ватанинг, юртдошларинг қадрига янада кўпроқ етар экансан.

Насибом қўшилиб, араб мамлакатларининг бир қанча шаҳри ҳамда зиёратгоҳларида бўлганимда ўзимда шундай ҳолатни кечирдим. У ерда кўп йилдан буён яшаётган собиқ юртдошларни кўриб, чуқур ўй-хаёлга ботдим.

Дилимда унсиз сўзлайман. Наҳотки, улар ерга кетмон ургач, қум чиққанда ўзининг олтиндан зиёда тупроғини, ҳар сафар чанқоғини босмоқ учун ичимлик сув сотиб олганида ўзининг беминнат зилол ойнаётгани, қўшниси билан хорийки тилда сўзлашганда она тилини, чалпақка ўхшаш нонни тишлаганда ёлғиқ папирини, ягона хўл мева бўлган хурмони тановул қилганда юздан ортиқ мевазор боғни, ишқомларда куёшдан нур эмиб, товланб турган узумзорларини, жазирама гармсел иссиқ юзини қорайтириб, лабларини қуриштирганда муздек сойларни, салқин, сўлим тоғларни, боши ёстиққа текканда ака-укалари, опа-сингиллари кўз олдига келмаса?! Наҳотки, уларнинг неварою эваралари Ватан деган меросдан бенаҳис бўлса?! Доноларимиз "Бегона юртнинг қозиси бўлгунча ўз юртининг тозиси бўл!" деган сўзлари ҳамон қулоғимда жаранглаб туради. Ҳақ гап. Буни киндик қоним тўкилган заминга қадам қўйганимда янада аққол ҳис этдим.

Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлмоғи, покиза тупроғига гард юкмаслиги, халқнинг фаровон яшashi, тили, урф-одати қадри бўлиши маънавиятимиз, маърифатимиз, эътиқодимизга боғлиқ. Биздан бир ёқадан бош чиқариб, тоғув яшаш, Ватан равнақи учун яқдил, вафодор, садоқатли бўлиш талаб этилади.

Беғубор тонг, тинч, қуёшли осмон. Бу улугъ неъмат тинчлик, хотиржамлик, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги рамзидир. Буюк халқимизга насиб этган мустақил Вулқ, эл ҳурлиги Аллоҳнинг бебаҳо муқофоти.

Бу тонг ўз тараққитининг янги, қадимий суръат билан юксак босқичга шахдам қадам ташлаётган навқирон юрт тонгидир. Бу буюк тарих, буюк илм-маърифат, буюк давлат, буюк маданият яратган буюк халқ тонги.

Хайрли тонгимиз мудом бардавом бўлсин! Жаҳонга юз тутган, ўзга халқлар ҳавас билан боқаётган серқуёш Ўзбекистонимизга кўз тегмасин!

Тенги йўқ диёрсан, қутлуғ маконим, Ризқ-рўзи туғанмас, ёруғ бўстоним. Сенга фидо айлай десам бу жоним, Жоним ўзинсан-ку, Ўзбекистоним.

Шукур ДАДАШ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, публицист

QR code and subscription information: ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.